

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“КЕЛИШИЛДИ”**  
Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

\_\_\_\_\_ 2021 й  
“    ” \_\_\_\_\_

**“КЕЛИШИЛДИ”**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги

\_\_\_\_\_ 2021 й  
«\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
Тошкент фармацевтика  
институтининг ректори,  
К.С.Ризаев

\_\_\_\_\_ 2021 й  
«\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

**5А 310 902 – МЕТРОЛОГИЯ, СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА  
СИФАТИНИ БОШҚАРИШ**  
магистратура мутахассислигига кирувчилар учун махсус (ихтисослик)  
фанларидан

**ДАСТУР**

**Тошкент - 2021**

## **Аннотация**

Дастур: 5310901-Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (дори воситалари) таълим йўналишининг 2017/2018 ўқув йилида тасдиқланган ўқув режасидаги асосий фанлар асосида тузилган.

### **ТУЗУВЧИЛАР:**

Жалилов Ф.С. – Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири, фарм.ф.н., доцент.

Тиллаева Г.У. – Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси профессори, тех.ф.д

Гаибназарова Д.Т.– Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси доценти, фарм.ф.н.

Дастур Тошкент фармацевтика институти Кенгашининг 2021 йил 9 июлдаги №12-сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган.

## КИРИШ

Ҳозирги кунда халқимизнинг турмуш шароити ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида Давлатимиз томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови» маърузасида таъкидланганидек: . . . «Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон “Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон “Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сонли “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”га қарорлари қабул қилинди.

Таълим йўналиши негизидаги мутахассисликларнинг вазифаси – талабалар билимини чуқурлаштириш ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларида республика соғлиқни сақлаш соҳасига аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш масаласидаги муаммолар ечимларини ишлаб чиқиш бўйича ҳамда илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда билимларини ошириш ва кўникма ҳосил қилишдан иборатдир.

Дастур 5310901-Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (дори воситалари) таълим йўналиши 5А310902 – Метрология, стандартлаштириш ва сифатини бошқариш магистратура мутахассислигига кирувчи талабалар учун таълим йўналиши ўқув режасига асосан, 3 та ихтисослик фанлари бўйича: Дори воситаларини ишлаб чиқариш валидацияси, Дори воситаларини сифатини таъминлаш, Дори воситаларининг инструментал таҳлил усуллари фанлардан тест саволлари шакллантирилган. Бу фанлар ўз негизида қамраб олинган маълумотлар кўйида батафсил келтирилган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2016 йил 8 декабрь, № 243 (6678). 2-б.

## **ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВАЛИДАЦИЯСИ фани бўйича:**

"Валидация" атамаси, турли хил тасдиқловчи ҳужжатлар, спецификациялар, коидалар ва бошқа меъёрлар. Дори воситаларини ишлаб чиқариш валидацияси бўйича халқаро методик материаллар. Валидация жараёни. Фармацевтик маҳсулот ишлаб чиқаришда хона, жиҳоз ва асбоб ускуналар аттестацияси /квалификацияси.

Қаттиқ дори шаклларни ишлаб чиқариш валидацияси. Таблетка, капсулаларни олишда барча технологик жараёнларнинг валидацияси. Грануляция валидацияси. Таблетка ва капсулаларни сифатини таъминлашда фармакопейвий усуллар. Суюқ дори шаклларни ишлаб чиқариш валидацияси. Суюқ дори шакллар. Стерил ва ностерил дори шаклларни ишлаб чиқариш валидацияси. Ифузион ва инъекцион эритмаларни олишда валидацион параметрлар. Эритувчилар валидацияси. Хона валидацияси. Стерилликга қўйилган талаблар.

Валидациянинг ҳужжатлар тўпламини тузишнинг назарий асослари (СОЖ, мастер план, протокол ва ҳ.). Дори воситаларини ишлаб чиқариш валидациясида керак бўлган ҳужжатлар теплами. СОЖлар, мастер план тузиш ва унинг аҳамияти. Олинган натижалар асосида баённомалар расмийлаштириш. Уларни муҳокамаси ва тасдиғи. СОЖ лар аҳамияти. Персонал учун махсус СОЖлар. Маълум бир дори шаклини ишлаб чиқиш учун СОЖ ва мастер план.

Дори моддалар миқдорий таҳлилида қўлланиладиган усуллар валидацияси. Титриметрик усулнинг валидацион параметрлари. Дори моддалар чинлиги, тозаллиги ва миқдорида хроматографик усулларнинг қўлланилиши. Фармакопейвий кўрсаткичлар учун ўзига хос валидацион параметрлар. Уларни тўғри танлаш. Фотометри усуллар. УФспектрофтометрия усулининг валидацияси. Титриметрик усулнинг физик кимёвий усул валидациясида фаркли томонлари. Аналитик усуллар яроқлилигини аниқлаш. Аналитик усуллар валидацияси натижаларини қайта ишлаш. Систематик, кзпол ва уртача нисбий хатоликларни ҳисоблаш. Усулнинг тўғрилигини баҳолаш. Усулнинг корреляцион коэффициентини ҳисоблаш. Фишер критерийси орқали сезгир усулни танлаш.

Қадоқлаш ва тозалаш жараёнларининг валидацияси. Тайер маҳсулотни қадоқлаш. Унинг валидацияси. Қадоқлов воситасининг маҳсулот сифатига таъсири. Стерил ва турғун бўлмаган дори воситаларини қадоқлов воситаларини танлаш. Таер маҳсулот чиқгандан сўнг асбоб ва жиҳозларни тозалаш валидацияси. Микробиологик тозалликни текшириш.

Дори воситаларини сифатини назорат қилувчи лабораториялар инспекцияси. Дори воситаларини сифатини назорат қилувчи лабораториялар инспекциясида эътиборга олинадиган ҳужжатлар. Инфраструктура ва бошқариш. Хавфсизлик. Ҳужжатлар назорати, сифат тизими, менеджмент ва ташкиллаштириш. Спецификациялар архиви, реактивлар, солиштирувчи стандартлар, калибровка, валидация.

Технологик жараён, аналитик усуллар ва тозалашнинг СОЖлари ва уларнинг валидацион ҳужжатлари.

## **ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ фани бўйича:**

Дори воситаларининг сифатини таъминлаш концепсияси, унинг асосий йўналишлари ва босқичлари. Дори воситалари сифатини таъминлашдаги халқаро стандартлари. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Инсонлар учун қўлланиладиган дори воситаларини рўйхатдан ўтказишга қўйилган техник талабларни уйғунлаштириш (гармонизациялаш) бўйича Халқаро конференция, яхши ишлаб чиқариш амалиёти, фармацевтик ишлаб чиқарувчилар халқаро федерациясининг ассоциацияси пайдо бўлиши, вазифалари ва талаблари, шунингдек, ривожланган давлатларнинг сифат стандартлари (АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Россия) ҳам муҳокама қилинади. Фармацевтик маҳсулотларни рўйхатдан ўтказиш. Халқаро тажриба. Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби (МХ лойихаси, аниқлаштириш хати, таҳлил усулининг метрологик хусусиятлари, дори воситасининг олиниши ҳақида қисқача маълумот, патент формуляри, клиник синовлар натижалари ва ҳақозо.

АҚШ да дори воситаларини қайд этиш, Европа Ҳамдўстлик давлатларида фармацевтик маҳсулотларни рўйхатдан ўтказиш тартиби, Россия Федерациясида дори воситаларининг сифатини назорат этиш ва рўйхатдан ўтказиш. Маҳаллий ва чет элдан кириб келаётган дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби. Ўзбекистон Республикасида дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш тартиби, МХ ларнинг метрологик назорати, текширилаётган кўрсаткичларни аниқлаш, уларни баҳолаш, таҳлил қилиш, таҳлил усулларини ва асбобларини танлаш, уларнинг давлатлараро стандартлар, давлат стандартлари талабларига жавоб беришини аниқлаш. Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш ва уларни сотиш учун лицензияни олиш формати.

Фармацевтика корхоналарининг назорат таҳлил лабораторияларида сифатни бошқариш тизими. Фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида сифатни бошқариш. Сифатни назорат қилиш бўлими фаолиятининг тамоиллари. Назорат таҳлил лабораторияларида (дори воситалари сифатини назорат қилиш марказлари) дори воситалари сифатини назорат қилиш. Дори воситаларининг сифатини таъминлашда қўлланиладиган таҳлил усулларининг тавсифи. Дори воситаларининг сифатини таъминлашда қўлланиладиган таҳлил усулларига қўйилган талаблар. Фармацевтик ишлаб чиқиш. Субстансиялар сифатини баҳолаш. Дори воситаларининг ҳаётий даврида сифатни таъминлаш. Дори воситаларининг ҳаётий даври. Дори препаратини ишлаб чиқиш.

Сифат тушунчаси. Дори препарати ишлаб чиқиш даражаси. Оригинал ва женерик препаратларни рўйхатдан ўтказиш талаблари. Дори воситаларининг асосий хусусиятлари. “Яхши ишлаб чиқариш амалиёти”

мазмун ва моҳияти. “Яхши лаборатория амалиёти” мазмун ва моҳияти. “Яхши клиника амалиёти” мазмун ва моҳияти. “Яхши дистрибютерлик амалиёти мазмун ва моҳияти. “Яхши сақлаш амалиёти” мазмун ва моҳияти. Табиий хом ашёдан тайёрланган дори воситалари сифатини таъминлаш. Меъёрий ҳужжатларни метрологик экспертизасини ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби. Стерил дори воситаларининг сифатини назорат қилиш. Жиҳозлар тозаллиги ва уни аниқлашда қўлланиладиган аналитик усуллар. Дори воситаларини ишлаб чиқаришда бошланғич материаллар ва қадоқлов воситалари. Спецификациялар. Синов лабораторияларида сифатни таъминлаш

## **ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИНСТРУМЕНТАЛ ТАҲЛИЛ УСУЛЛАРИ фани бўйича:**

Физик-кимёвий (инструментал) таҳлил усуллари, усулларни кимёвий моддаларнинг таҳлилида қўлланилиш асоси. Физик-кимёвий (инструментал) таҳлил усуллари дори турлари таҳлилида қўлланилиши, бу усулларни дори турлари таҳлилида қўлланилишдаги ўзига хослиги. Физик-кимёвий усулларни сезгирлик ва аниқлик даражаларини ўрганиш. Хроматографиянинг ривожланиш тарихи ва дунё олимларининг хроматографиянинг ривожланишга қўшган хиссалари.

Моддаларни хроматографик усулда ажралишининг физик-кимёвий хоссалари. Қоғоз хроматографик таҳлил вариантлари. Хроматографик сорбентлар, уларнинг характеристикаси. Сорбция просессининг назарий асослари. Юпка қатлам хроматографияси, унинг услубий асослари. Мустаҳкамланган ва мустаҳкамланмаган хроматографик таҳлиллар. Гел хроматографияси, назарий асослари ва дори воситалари таҳлилида қўлланилиши. Газ хроматографияси. Усулнинг назарий асослари ва дори воситалари таҳлилида юқори эффектив усул. Газ хроматографик усулда дори воситалари чинлигини ва миқдорий таҳлил қилиш асослари. Юқори самарали суяқлик хроматографик усулини дори воситалар таҳлилида қўллаш.

Электрокимёвий таҳлил усуллари. Потенциометрия. Назарий асослари ва дори воситалари таҳлилида қўллаш.

Фотометрия, назарий асослари, колориметрия ва фотоколориметрия. Фотометрия қонунлари. Спектрофотометрия. Спектрофотометрик усулда дори воситалари чинлигини ва миқдорини таҳлил қилиш асослари. Рангли эритмалар консентарсиясини визуал колориметрик аниқлаш. Рангли эритмалар конмцентрациясини спектрофотометрик ва фотоколориметрик усулда аниқлаш. Солиштириш усули. Колебровкали график усули. Қўшиб аниқлаш усули. Дифференциаллаш усули. Экстракцион-фотометрик таҳлил. Рангли моддалар аралашмалари таҳлили. Нур ютилиши билан боғлиқ хатоликлар. Нефелометрия ва турбодиметрия, назарий асослари ва дори воситалар таҳлилида қўллаш. Люминисцент таҳлил, назарий асослари ва дори воситалари таҳлилида қўллаш. Люминисцент таҳлил усули, назарий

асослари. Люменессенсия турлари. Фотолюминессенсия ёки флуросенсия, сифат таҳлили, миқдор таҳлили. Инфра-қизил спектрал таҳлил, назарий асослари ва дори воситалари таҳлилида қўллаш.

Масс спектрал таҳлил. Назарий асослари ва дори воситалари таҳлилида қўллаш. Атом абсорбсион фотометрия ва ядро магнит резонанси усуллари назарий асослари. Аланга фотометрияси. Ядро магнит резонанси (ЯМР) назарий асослари ва усулни дори моддалар таҳлилида қўлланилиши. Иммунофермент таҳлил усуллари.

**МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИГА  
КИРУВЧИЛАРНИНГ МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИ (ДОРИ  
ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВАЛИДАЦИЯСИ, ДОРИ  
ВОСИТАЛАРИНИ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ, ДОРИ  
ВОСИТАЛАРИНИНГ ИНСТРУМЕНТАЛ ТАХЛИЛ УСУЛЛАРИ)  
БЎЙИЧА БИЛИМИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАР**

Магистратурага кирувчилар кириш имтиҳонларини (ёзма иш шаклда) Тошкент фармацевтика институтида ўқийдиган тилда топширадилар.

Кириш имтиҳонлари мутахассислик фанлари бўйича (Дори воситаларини ишлаб чиқариш валидацияси, Дори воситаларини сифатини таъминлаш, Дори воситаларининг инструментал тахлил усуллари) магистратурага кирувчиларнинг назарий билим ва амалий кўникмаларини қай даражада эгаллаганликларини адолатли тарзда баҳолашдан иборат.

Магистратура мутахассисликларининг кириш имтиҳонлари таркибига киритилган мутахассислик (махсус) фанлари учун баҳолаш 0 баллдан 100 баллгача ташкил этади.

**Баҳолаш тартиби**

Ушбу фанлардан синов ёзма шаклда амалга оширилиб, унда мутахассислик фанларидан умумий 4 та савол бўлиб, унда Дори воситаларини ишлаб чиқариш валидациясидан 1 та савол, Дори воситаларини сифатини таъминлаш 1 та савол, Дори воситаларининг инструментал тахлил усуллари 2 та савол фанилардан киритилади.

Жами 4 та саволнинг тақсимланиши қуйидагича:

<b>Жами саволлар сони</b>	<b>Саволларнинг фанлар бўйича тақсимланиши</b>	<b>Битта тўғри жавобга бериладиган балл</b>	<b>Жами балл</b>
4	Дори воситаларини ишлаб чиқариш валидацияси – 1 та	25	25
	Дори воситаларини сифатини таъминлаш – 1 та	25	25
	Дори воситаларининг инструментал тахлил усуллари – 2 та	25/25	50
		<b>Жами балл: 100 балл</b>	



Ҳар бир савол учун берилган балл	Изоҳ
21,3-25,0	Талаба берилган саволларга тўлиқ жавоб берди. Мутахассислик фани жараёнларини яхши билади. Берилган саволнинг моҳияти яхши тушуниб, ижодий фикрлаб, мўътадил мушоҳада ярата олади, мукамал билимга эга.
17,8-21,3	Талаба берилган саволларга жавоб берди. Мутахассислик фанини яхши билади, фикрлайди ва мустаҳкам билимга эга. Қисман ёки муҳим бўлмаган айрим камчиликлар бўлиши - таҳлил ва фикрлашда айрим хатоликлар мавжуд. Айрим муҳим бўлмаган хатоликлар мавжуд. Жараёнларнинг баёни тўлиқ эмас.
14,0-17,8	Талаба берилган саволларга қисман жавоб берди. Баёнда ноаниқликларга йўл қўйди. Мутахассислик фанини етарли даражада билмайди. Билимлари тўлиқ эмас. Жараёнларининг баёни қисман.
14 балдан кам	Талаба берилган саволларга жавоб бермади.

Магистратурага кириш имтиҳон саволлари бўйича абитуриентнинг олган баллари жамланиб, умумий балл чиқарилади.

<p><b>Баҳолаш мезонлари</b></p>	<p><b>86-100 балл “аъло”</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- фанга оид назарий ва амалий тушунчаларни тўла ўзлаштира олиш,</li> <li>- Ўзбекистон Республикаси ССВнинг фанга оид бўлган буйруқларини билиш;</li> <li>- дори воситаларини сифатини таъминлаш фанига кириш, мақсад ва вазифалари. ГХП, ИЧ қоидаларини қиёсий ўрганиш</li> <li>- дори турларининг таърифи, таснифи, афзаллик ва камчиликларини билиш;</li> <li>- дори воситаларинининг физик-кимёвий хоссаларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил усулларини танлаш сифатини назорат қилиш;</li> <li>- стандарт намуналарга қўйиладиган талаблар ва уларнинг қўлланилиши. Ускуналар қолибровкасида қўлланиладиган стандарт намуналар.</li> <li>- дори воситаларининг ҳаётий сиклида сифатини таъминлаш</li> <li>- фанга оид назарий ва амалий тушунчаларни тўла ўзлаштира олиш, таснифланишини билиш.</li> <li>- фанга оид ўрганилаётган дори воситасини сифатига қўйилган талабларни билиш;</li> </ul>
---------------------------------	--

	<ul style="list-style-type: none"> <li>-дори воситаларининг замонавий таҳлил усуллари билиш;</li> <li>-текширилаётган дори шаклини меъёрий хужжат асосида сифат назоратини ўткази билиш</li> <li>- дори воситаларини меъёрий хужжат асосида сифат назоратини ўткази билиш.</li> </ul>
	<p><b>71-85 балл “яхши”</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- анъанавий ва замонавий дори воситаларини таҳлил усуллари ҳақида мустақил фикр юритиш;</li> <li>- керакли бўлган доривоиталарини чинлик ва миқдорий таҳлил усуларини илмий асослаш билимига эга бўлиш;</li> <li>- дори воситаларини сифатини халқаро стандартларга қиёслаб баҳолаш;</li> <li>- валидация тушунчаси. Ишлаб чиқариш валидациясида бошқарув асослари ҳақида билиш</li> <li>-дори воситасини стандартлаш ҳақида мустақил фикр юритиш;</li> <li>-таҳлил усуллари тўғри бажариш;</li> <li>-текширилаётган дори шаклини ме’ёрий хужжат асосида сифат назоратини ўткази билиш ва тегишли хулоса чиқариш.</li> </ul>
	<p><b>55-70 “қониқарли”</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Дори воситаларини ишлаб чиқариш валидацияси, Дори воситаларини сифатини таъминлаш, Дори воситаларининг инструментал таҳлил усулларида қўлланиладиган терминларни билиш;</li> <li>- Дори воситаларининг инструментал таҳлилида қўллаилладиган усуллари илмий асосланган ҳолда танлаб олишни билиш;</li> <li>- Дори воситалари сифатини таъминлашда фойдаланиладиган сифат кўрсаткичларини аниқлай олиш.</li> <li>- дори моддасининг сифатини баҳолаш жараёни босқичларини тўғри акс эттира олиш;</li> <li>- таҳлил усуллари тўғри бажариш;</li> <li>-текширилаётган дори воситасини ме’ёрий хужжат асосида сифат назоратини ўткази билиш ва тегишли хулоса чиқариш.</li> </ul>
	<p><b>0-54 “қониқарсиз”</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-ўтилган фаннинг назарий ва амалий тушунчаларни билмаслик;</li> <li>- дори моддасининг сифатини баҳолаш жараёни босқичлари ҳақида тасавурга эга эмаслик;</li> <li>- меъёрий хужжатлар асосида дори воситаларининг сифатига баҳо бера олмаслик</li> </ul>

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488-б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза 2016 йил 7 декабрь. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. – 48-б.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5 январь куни соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан «Фарзандлари соғлом юртнинг келажак буюқдир» учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2017 йил 5 январь, № 243 (6678). 2-б.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамыз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. – 56-б.
5. Q.A.Ubaydullaev, V.N.Abdullabekova va b. Dori vositalarini ishlab chiqarish validatsiyasi, Toshkent. 2017 y.
6. prof. A.N. Yunusxodjaev taxriri ostida O'zbekiston Respublikasida farmatsevtika faoliyati. Toshkent, 2001 y.
7. Ж.И. Аладышевой, О.Р. Спицким Валидация аналитических методик для производителей лекарств. Москва, 2008 г.
8. Береговых В.В, Пятигорская Н.В, Беляев В.В. Валидация в производстве лекарственных средств. – Москва, 2010 г.
9. Yoaxim Ermer, Djon X., Mak B., Miller “Validatsiya metodik v ifarmatsevticheskom analize” Angliya, 2013 y.
10. Robert A. Nash, Alfred H. Wacher Pharmaceutical Process Validation: An International Third Edition, USA, 2003 y.
11. Под редакцией: Н.В. Юргеля Руководство по валидации методик анализа лекарственных средств - Москва, 2007 г.
12. Производство лекарственных средств валидация процессов производства нестерильных лекарственных средств Концерн «Белбиофарм» Минск 2012. 33
13. Курс. Валидация производства твердых лекарственных форм. Москва 24-25 марта 2005 г.
14. Ж.И. Аладышева, В.В.Береговых, А.П.Мешковский, Л.М.Левин Издание ММА им И.М.Сеченова Основные принципы проведения валидации на фармацевтическом производстве. Москва, 2005 г.
15. Jalilov F.S., Pulatova L.T. Spetrokopik tahlil usullarini antidepressant dori vositalari va spayslar tahlilida qo'llash, monografiya. Toshkent.2020 y.

16. Abdullabekova V.N., Ubaydullaev Q.A., Yunusxo'jaev A.N.. Dori vositalari sifatini ta'minlash. O'quv qo'llanma. Toshkent. 2016 y.
17. Toshpulatov M. M., Sharipov K. A. Mahsulot sifatini boshqarishda sifat falsafasi, O'quv qo'llanma. Toshkent. 2013 y.
18. Быстрицкий Л.Д., Бикбаев А.А., Пикула Н.П., Дьяконова Е.В., Соляник Р.Г. Организация системы качества биотехнологических и фармацевтических производств. Учебное пособие. Томск. 2011г.
19. Quality assurance of pharmaceuticals: a compendium of guidelines and related materials. Vol. 2, Good manufacturing practices and inspection. – 2nd ed– 2nd ed 2007g.
20. Welty G. Quality assurance: Problem solving and training strategies for success in the pharmaceutical and life science industries. 2013.
21. Лебединец В.А. Управление качеством: монография / Вячеслав Александрович Лебединец. Харьков. 2016г.
22. Левашова И.Г., Мурашко А.Н., Коваленко С.Н. Надлежащие практики в фармации Учебник. Киев. 2006г.
23. Обеспечение качества фармацевтических препаратов Библиотечный каталог публикаций ВОЗ Женева 1997г.
24. Пятигорская Н.В., Береговых В.В., Мешковский А.П., Пятигорский А.М., Быков А.В. Организация производства и контроля качества лекарственных средств, Учебник. Москваю 2013г.
25. Ubaydullayev Q.A., Muxitdinov A.A. Dori vositalarini fizik - kimyoviy tahlil usullari, O'quv qo'llanma. Toshkent. 2019 y..
26. Yunusxo'jaev A.N., Ubaydullaev Q.A. va boshq. Dori vositalarining zamonaviy tahlil usullari, Darslik. Toshkent. 2010 y.
27. Государственная фармакопея Республики Узбекистан. Ташкент. 2020 г.
28. Быковский С.Н. Руководство по инструментальным методом исследований при разработке и экспертизе качества лекарственных препаратов, Москва. Учебное пособие. 2014 г.
29. Сливкин А.И., Селеменев В.Ф., Суховерхова Е.А. Физико-химические и биологические методы оценки качества лекарственных средств, Учебное пособие. Воронеж. 1999 г.
30. Jalilov F.S., Pulatova L.T. Spetrokopik tahlil usullarini antidepressant dori vositalari va sprayslar tahlilida qo'llash, monografiya. Toshkent.2020 y.
31. Государственная фармакопея XI выпуск том I –М. 1987 г.-336с
32. Государственная фармакопея XII выпуск том II –М 1990 г.-398с